

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**«Ўзбекистон тарихи ва сиёсатшунослик» кафедраси**

# **Реферат**

**Бажарди: М.Ю.Ибрагимова**

**Тошкент 2010**

## **МАВЗУ: Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.**

### **РЕЖА.**

1. Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси.
2. Фуқаролик тушунчаси ва унинг конституциявий асослари.
3. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари.
4. Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари.
5. Фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари.
6. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари.
7. Фуқароларнинг Конституциявий бурчлари.

### **1. Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси.**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганидан кейин радикация этилган биринчи халқаро ҳужжат "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"дир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсоннинг улуглаш, унинг хоҳиши, иродасини кафолатлаш орзу умидларини тула руйёбга чиқаришни узининг бош мақсади қилиб белгиланган мустақил давлатимизнинг етакчи тамоилларини ана шу муҳим халқаро ҳужжатга мувофиқлаштириш назарда тутилган эди.

Бош Комусимиз- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилишда ушбу умуминсоний олий қадрият асос қилиб олинди. Шунингхам Конституциямиз халқаро ҳамжамият томонидан умумбашарий инсонпарварлик ва демократик мезонларга тула жавоб берадиган ҳужжат сифатида яқдиллик билан эътироф этилди.

Президентимиз И.Каримов Конституциянинг етти йиллигига бағишланган танътанали маросимда сузлаган нутқида Асосий Қонунимизнинг инсонпарварликмоҳияти ҳақида шундай деган эди: "Қонитутсиямизнинг халқаро демократик андоза ва талабларига жавоб бериши, унинг олдинги конституцияларидан мутлоқо фарқ қилиши, биз аввало, унда инсон ҳуқуқлари, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида урин тутганини, асосий Комусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун тутишини муҳирлаб қуйгани ҳақида гапиришимиз керак".

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонун олдида барчанинг баробарлиги, инсоннинг ислохоти учун эмас, балки ислохотларнинг инсон учун хизмат қилиши, қучли ижтимоий муҳофаза сиёсатини юритиб, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби қатор муҳим гуманистик тамоиллар президентимиз асарларининг, Олий

Мажлис сессиялари, Вазирлар маҳкамаси йиғилишлари, турли даражадаги учрашув ва кенгашлардаги маърузаларнинг уз илдизини ташкил этади.

Фалсафий маънода шахс-ижтимоий шартланган ва якка тартибда ифодаланган фазилатларга эга булган инсондир.

Хозир Республикада инсоннинг ҳукукий ҳолати тубдан узғариб бормокда . Конституциянинг 19-моддасида бундай дейилган: "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига булган ҳуқуқлари ва бурчлари билан узаро боғлиқдир . Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қуйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қароримиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қуйишга ҳеч ким ҳақли эмас".

Фуқаролик шахс ҳолатининг асосий таркибий ҳолатлардан биридир. Ҳар қандай бошқа давлатда булгани каби республика аҳолиси фақат уз фуқаролардангина эмас, шу билан бирга уз ҳудудида вақтинча ёки доимий яшовчи чет эл фуқароларидан, фуқаролиги булмаган шахслардан ҳам иборатдир. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги булмаган шахсларнинг ҳукукий ҳолати республикадаги фуқароларнинг ҳукукий ҳолатидан фарқ қилади, лекин шунга қарамай, улар ҳам давлат билан жамиятга нисбатан муаян ҳуқуқ ва бурчларга эгадирлар. Давлат уз навбатида, уз ҳудудида булган ҳар қандай киши, ҳар қандай шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилади, бироқ уларга берилган ҳуқуқлар ва улар зиммасига юкланган бурчлар ҳажми ҳар хил булиб, бу ҳолат уларнинг республика билан ҳукукий алоқалари характериға боғлиқдир. Фақат республика фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликларидан тула-туқис фойдаланадилар ва белгиланган бурчларини адо этадилар. Қолган ҳамма тоифадаги шахслар қамрок хотимдаги ҳуқуқ ва бурчларга эгадирлар.

Жамият, давлат ва фуқаролар уртасидаги энг муҳим ва энг қўнли муносабатларга алоқадор булган ҳуқуқлар ҳамда бурчлар фуқаролар ҳукукий ҳолатининг учинчи жиҳати ҳисобланади.

Шахс ҳуқуқи ҳолатининг муҳим жиҳатларидан бири-шу ҳукукий ҳолатини вужудга келтирадиган қоидалардир. Бу жамоатчилик манфаатларини шахсий манфаатлар билан бирга қўшишдан ҳамда ҳуқуқ ва бурчларининг шунга асосланган бирлигидан, ҳуқуқ ва бурчларнинг умумийлигидан, инсонпарварликдан иборат.

Ҳозирги қўнда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш соҳасидаги 60дан зиёд халқаро ҳукукий ҳужжатларга имзо чеккан.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари борасида эса ҳозирги пайтда 80га яқин қонвенция мавжуд. Умумжаҳон декларациясидан фарқи шундан иборатки, бу ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари батафсил талқин қилинади

ва улрнинг руйёбга чикаришнинг давлат томонидан кафолатланиши мустахкам куйилган, хар кандай холатларда хам мустахкам инсон хукукларининг давлат томонидан чекланишимумкин булмаган алохида туркумлари, масалан; яшаш хукуки, киноктарга йул куймаслиги, фикр ваътикод эркинлиги, судлов химоясига булган хукук ва бошкталар ажратиб курсатилган.

Инсон хукуктари негизида инсон шахси кадрияти туради. Одатда инсон хукукларининг уч бугини бир-биридан фаркланади: фукаролик ва сиёсий хукуктари; яшаш хукуки, фикр ва суз эркинлиги хукуки, уюшмаларга бирлашиш хукуки ва бошкталар ва учинчи бугини иктисодий ижтимоий хукуктар; билим орлиш хукуки, мехнат килиш хукуки, ижтимоий таъминот олиш хукуки, малакали тибби хизматдан фойдаланишга булган хукуктар ва х.к.

Узбекистон давлат мустакиллигига эришган дастлабки кунларданок шахс, жамият ва давлат муносабатларини умуминсоний коидалар хамда халкаро хукукнинг умумътироф этилган принциплари асосида кадам куйди.

Шахс, давлат ва жамият муносабатларнинг асосий ечимини белгиловчи хукукий асос конституция кабул килинди.

Жамиятнинг, давлатнинг шахслар билан буладиган ва хукукий нормалар билан белгиланадиган узаро муносабатлари шахснинг хукукий холати деб аталади.

Шахс хукукий холатени белгиловчи, яъни шахснинг тартибга солиниши жамиятда амлда булган ижтимоий нормалар таъсирида юзага келади. Масалан, урф-одат, одоб, анъаналарнинг урни алохида мавжуд.

Шахс билан давлат уртасидаги муносабатлар конунлар ва бошка хукукий нормалар билан белгиланади.

Фукаролиги булмаган, яъни хеч бир давлат фукаролигиниолмаган шахсларнинг хукукий холати муаян давлатда алохида холатда булади.

Икки фукароликка ёки куп фукароликка эга булган шахсларнинг хукукий холати хам маълум муносабатларда узгача холат касб этади. Демак фукаролик, фукароликка эга булмаслик, купфукаролик масалалари шахснинг хукукий холатига таъсир этувчи омилдир.

Иккинчидан, шахснинг хукукий холатига таъсир этувчи омиллардан яна бири, шахснинг маълум ёшга тулиши ва натижада муомала лаёкатига эга булиши хисобланади.

Жамият ва давлатнинг шахс билан муносабатлари ва алокаси тугрисидаги хукукий нормалар конунда эмас, балки факат конституция нормаларида уз аксини топади.

Хулоса килиб айтганда, шахснинг Узбекистон Республикасидаги хукукий холати бу кишининг Узбекистон Республикаси хукук нормалари билан белгиланган холати, унинг жамиятдаги, давлатдаги

урнидир. Бу нормалар Узбекистонда яшовчи шахсининг жамият билан муносабатини, давлат билан муносабатини, уларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Узбекистон мустақилликка эришгандан сунг, инсон ҳуқуқи масалаларига оид 100дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Республика Президенти эса шу давр ичида инсон ҳуқуқи масалаларига бағишланган 60дан ортиқ фармон қабул қилди.

Ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларига ва асосий эркинликларига нечоғлиқ риоя этилаётганлигига қараб, шу мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги обриси ва унинг бошқа давлатлар билан муносабатлари белгиланади. 1948 йилда БМТ инсоннинг асосий ҳуқуқларига ишончини мустаҳкамлаш ва БМТ принципларини амлга ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини қабул қилди. Бу мутабар ҳужжат ер юзидаги ҳар бир киши асосий ҳуқуқларини обрўли баёнидир.

Унда БМТ уставининг, инсон ҳуқуқларнинг ҳар жиҳатдан ҳурмат қилиниши барча ҳукуматлар ва барча халқларнинг муштарк бурчидир, - деган принципи ўз аксини топган. Бу декларация буюқ тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, ужаҳон аҳолининг виждони, жамиятлар ва ҳукуматлар позицияларининг нечоғлиқ тугрилигини улчаб берадиган мезонлардир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан кейин яна ўч ҳужжат, яъни, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тугрисидаги 19-декабрь 1996 йилдаги халқаро пакт, 1996 йил 18-декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тугрисидаги пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тугрисидаги 1996 йил 19 декабр халқаро пактга факултатив протокол қабул қилинди. Бу ҳужжатлар халқаро ҳуқуқий муносабатларда инсон ҳуқуқлари тугрисидаги билль (қонун)деб атала бошлади.

Бу қўрсатилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари тугрисидаги пактлар биргаликда давлатларнинг инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини асосини ташкил қилади.

Узбекистон Республикаси бу масалада, мустақилликка эришгач халқаро ҳужжатларни тан олиб, уларга содиқ қолишини маълум қилади ва 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган Асосий Қонунимизда, нафакат Узбекистон фуқаролари, балки барча инсонларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

## **2. Фуқаролик тушунчаси ва унинг конституциявий асослари.**

Узбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиши билан фуқаролик институти мазмунан тубдан янги маъно ва мустақил аҳамият

касб этади. Эндиликда фукаролик давлатчилигимизни муҳим ажралмас белгисидир.

**Фукаролик Асосий Қонунимизнинг 21-моддасида, яъни: "Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фукаролик урнатилди.**

**Ўзбекистон Республикасининг фуқоролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликларидан қатъий назар, ҳамма учун тенгдир.**

**Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.**

**Фукароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади"** деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Фукаролик - бу шахс билан давлат уртасидаги барқарор ва доимий сиёсий ҳуқуқ алоқа бўлиб, бунда уларнинг узаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари уз ифодасини топади. Бир суз билан айтганда, фукаролик бу шахснинг муайян давлатга ҳуқуқий жихатдан мансублигидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси деганда, факатгина унинг ҳудудида яшаши ёки унинг ҳокимиятга бўйсунуш, ҳуқуқ ва бурчлар билан таъминланишинингина эмас, балки шахс билан Ўзбекистон Республикаси уртасида урнатилган алоҳида сиёсий ҳуқуқий алоқалар ва муноабатлар тушунилади. Фукаролик-бу шахснинг ҳуқуқий ҳолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Қаримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан қилган маърузасида шундай деган эди: "шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у конституциямиз ва Қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиқи, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини Республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиши мажбуриятини уз зиммасига олади".

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига егадир. Ҳеч қим фуқароликдан ёки фуқароликни узгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Конституция Ўзбекистон Республикасида, яъни унинг бутун ҳуқуқида ягона фуқароликни жорий этган. Унинг маъноси:

1. давлатнинг ягоналиги, мустақиллиги ва яхлитлигидир;
2. барча фуқаролар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси бирдан сиёсий, ҳуқуқий мақомга эга, қонунолдида тенг ва давлат ҳуқуқий муносабатларининг тула қонли субъекти ҳисобланадилар;

3. жумхуриятнинг бутун худудида фуқороларига уларнинг конституциявий ва бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг давлат - ҳуқуқий муҳофазаси таъминланади ва ҳимоя қилинади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Фуқоролик тугрисида"ги қонуни фуқороликка қабул қилиш, унга эга бўлиш ва фуқороликни йўқотиш тартибини белгилайди.

- Қелиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирки ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, дини эътиқоди, машғулотининг туридан қатъий назар, ушбу қонун қучга қирган вақтда (1992 йил 7 июлда) Ўзбекистон Республикасида доимӣ яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқоролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқороси бўлиш истагини билдирган шахслар;
- давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқари ишлаётган, ҳарбий хизматни утаётган ёки ўқийётган шахслар, агар улар, Ўзбекистон Республикасининг худудида тугилган бўлсалар ёки доимӣ яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқоролари бўлмасалар ва ушбу қонун қучга қиргандан қешин қечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқороси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;
- ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқоролигини олган шахслар.

Ота-онасидан бири бола тугилган пайтдан Ўзбекистон Республикаси фуқороси бўлган, бошқаси эса фуқоролиги йўқ шахс бўлган, ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда тугилган бўлишидан қатъий назар, у Ўзбекистон Республикаси фуқороси ҳисобланади.

Фуқоролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимӣ истиқомат жойга эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида тугилган боласи Ўзбекистон фуқороси ҳисобланади.

Ота онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон худудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқороси ҳисобланади.

Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқоролигига эга бўлишнинг қуйдаги асосларини белгилаб берган:

1. тугилганда;
2. Ўзбекистон Республикаси фуқоролигига қабул қилиниши натижасида;
3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;
4. Ушбу қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

Чет эл фуқоролари ва фуқоролиги булмаган шахслар уз илтимосномаларига кура келиб чиқишдан, ирки ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътикодларидан катъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқоролигига қабул қилиниши мумкин, лекин шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси фуқоролигига кириш учун қонун томонидан айрим шартлар қўйилган бўлиб улар;

1. чет эл фуқоролигидан вос қечишидан;
2. сунги 5 йил давомида Ўзбекистон Республикасида доимий яшаганлигини;
3. қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиши ва бажариши шартдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқоролиги қуйдаги асосларга кура тухтатилади:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқоролиги қиқиш оқибатида;
2. Ўзбекистон Республикаси фуқоролигини ёқотиш оқибатида;
3. Ўзбекистон Республикасининг шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;
4. Ушбу қонунда қузда тутилган бошқа асосларга биноан.

Фуқоролик тугрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқоролигини ёқотиш асослари ҳам белгилаб берилган. Бунга қуйдагилар сабаб бўлади.

1. шахс чет давлатда харбий хизматга, хавфсизлик хизмати ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга қирганлиги аниқлансин.
2. агар чет элда доимий яшовчи шахс 5 йил давомида узурли сабабларсиз қонсулик хисобида турмаган бўлса.
3. агар Ўзбекистон Республикаси фуқоролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёқи сохта хужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Шу сабабларга кура Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқоролиги йуқотилади. Фуқоролик тугрисидаги қонунда ота- оналарнинг фуқоролиги узгарганда болаларнинг фуқоролиги масалалари ҳам қенг ёритилган.

### **3. Фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари.**

Фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари Республикамиз Конституциясининг 18-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, **"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини,**

**ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маънайдан каътий назар, қонун олдидан тенгдирлар**

**Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт".**

Ушбу қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёзиб қўйилиши Ўзбекистон давлат сифатида дунёдаги энг демократик мамлакатлар даражасига кутаради. Чунки инсонни улуғлаш, уни қим бўлишидан каътий назар қонун олдидан тенглигини таъминлаш ҳамда унинг ҳақ ва ҳуқуқини қўриқлаш фақат демократик давлатларгина ҳосилдир.

Ҳуқуқларнинг Ўзбекистон Республикасида бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши қонунда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси моддаларига тула-туқис мос келади. Масалан; Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 1-моддасида, "Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур", - деган сўзлар битилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар бир шахсга талукли бўлиб, ҳуқуқларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эса фақат уша давлат ҳуқуқлигига эга бўлган шахсларгина тегишлидир.

Ҳар қандай давлат итфоқининг мақсади инсоннинг ажралмас ва табиий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилади. Эркинлик мулкка эгаллик қилиш, ҳафсизлик, зулм-қийноқларга солинishiга қаршилик қўриқатиш шулар жумласидандир.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий ифодаланиши икки усули-ижобий ва салбий усуллари мавжуд. Ижобий усул конституция субъектининг муайян ҳуқуқка эгаллигини белгилайди ёки таъкидлайди. Салбий усул эса, ижобий усулдан фарқли ҳар қандай субъектга узга субъектнинг ҳуқуқ ёки муайян эркинлигини бузиш ёки чеклашни таъқиқлайди.

Ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчларни асосий гуруҳларга ажратиш қуйдагича қабул қилинган:

1. шахсий ёки инсон ҳуқуқлари, яъни яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ва турар-жой дахлсизлиги қабил ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар;
2. давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш, овоз бериш, йиғилиш ҳуқуқи, ватанни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари;
3. меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнат эркинлиги, мулк ҳуқуқи, солиқ тулаш бурчи, таълим олиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги ва шу қабилар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ эркинлик ва бурчлар гуруҳини ташкил этади.

#### **4. Инсон ва фукароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари.**

Шахсни ҳимоя қилиш шунингдек унинг ҳаётини ижтимоий ҳавфли тажавусларидан муҳофаза қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Инсон ва фукароларнинг асосий ҳуқуқлари тизимида энг муҳими яшаш ҳуқуқи ҳисобланади.

Ҳақиқатдан ҳам, яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиӣ ҳуқуқидир, ҳар бир инсон жинси, ирки, миллати, дини, тили, ижтимоӣ келиб чиқиши, фикрлаш, шахсий ва ижтимоӣ аҳолидан, ёши, жисмоний куч, соғлигидан қаътии назар яшаш ҳуқуқига эга.

**"Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётга суйқасд қилиш энг огир жиноятдир"**-деб, Конституциянинг 24-моддасида мустаҳкамлаб қуйилган.

Мазкур модда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, аниқроғи, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига; Иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар тугрисидаги Пакти ва фукаролик сиёсий ҳуқуқлар тугрисидаги халқаро Пактга тула мос келади ва мана шу ҳужжатлардан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳаон декларациясининг 3-моддасида: "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир", дейилган бўлса, Фукаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлари тугрисидаги Пактнинг 6-моддаси 1-бандида: "Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч қим узибошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайдир", деб белгиланган.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқдан бўлиб, инсон тузилиши билан унга эга бўлади.

Инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигининг бузилиши ҳар бир шахснинг судга шикоят билан мурожат қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва унинг талабаларини қондириш ҳуқуқини келтириб чиқаради.

Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30-августдаги "Фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳарқатлар ва қарорлар устидан судга шикоят тугрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Айбсизлик презумпцияси (айбини исбот қилгунича шахсн айбсиз деб қарал қилиш) Конституциянинг 26-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, у жиноят ҳуқуқида қонунийлик тамоилининг асоси ҳамда ордил судловнинг асосий тамоилларидан ҳисобланади. Бу тамоил жиноят Кодексининг 4-моддасида янада ривожлантирилади. Унга биноан, ҳеч қим суднинг ҳукмини билмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб

топилиши ва конунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслигини аник курсатилаган. Б коида биринчи марта 1789 йилдаги инсон ва фукаролар ҳукуки Декларациясида уз ифодасини топган эди.

Айбсизлик презумпцияси, Ўзбекистон мустакил бўлиб, уз Конституциясини қабул қилгач, одил судловнинг асосий принципи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги қарори билан 1984 йил 10 декабрдаги "Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шавкатсиз, гайри инсоний ёки кадр-қийматини қахқирловчи турларига қарши Конвенция"га қушилишини эълон қилди.

Ўзбекистон Конституциясининг **27-моддасида**, - **"Ҳар қиммат уз шаъни ва обрўсини қилиган тажавуслардан, шахсий ҳаётга аралашидан ҳимоялаш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.**

**Ҳеч қиммат конун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига қириши, тинтув утқазиб ёки уни қуддан қечириб, ёзишлар ва телефонда сузлашувлар сирини ошқор қилиш мумкин эмас"**, деб мустаҳкамлаб қуйилган.

Бу қоидадаги шахсни шаъни, кадр-қимматини; ва ҳурмат қилиш шахсий ҳаёт ва уй-жойи дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Шаън ва кадр-қимматга факат инсонга ҳос сифат бўлиб, у унга тугилганидан бошлаб эга бўлади. Бу ҳуқуқ шахснинг ажралмас ва бошқаларга утқазиб берайдиган ҳуқуқи ҳисобланади. Яъни бу ҳуқуқлар умумман мутдлоқ характерга эга бўлиб, улардан фойдаланиши учун махсус рухсатнома талаб қилинмайди.

Узи шаън кадр-қиммат деганда нимани тушунасиб?, Бу қандай маъно ва ҳусусиятларни англатади?, шаън ва кадр-қимматнинг узи нима?-деган ва бошқа саволлар тугилиши табиий.

**Шаън** - бу жамиятнинг шахсга баҳоси, жамият аъзоси сифатида фуқаро ижтимоий ва маънавий ҳусусиятларининг улчовидир. Жамиятнинг шахсга баҳоси тугридан-тугри фуқаронинг узига боғлиқдир, чунки унинг шахси давлатга, жамиятга, узини ураб турган инсонларга муносабати ҳамда баъзи бир ҳаракатлари умумий фаолияти асосида шаклланади. У инсон фаолиятининг ижтимоий ҳаётдаги урнини ва самарали фаолиятини фойдалилигига боғлиқ, чунки бу сифат унинг барча мавжуд хизматларини акс эттиради.

Инсон яъни шахснинг ҳуқуқи асосида унинг маънавий ахлоқий тимсоли ҳақидаги қарашлардан шаклланади, улар шу асосида жамоатчилик, жамоалар, бошқа шахс-индивидлар, томонидан аник шахснинг ҳусусиятларига баҳо берилади.

Энди, **кадр-қиммат** - эса узининг жамоатдаги урнига, шахсий ҳусусиятларига, қобилиятига, дунё қарашига қараб узини-узи ички

баҳолашдир. Хар бир инсон узининг жамиятда тутган урнини англаб етади. Унга узини-узи хурматлаш ва бошка одамлар уни хурматлашини хис килиш хусусиятларихосдир. Яъни инсоннинг жамиятда тутган урнини узи англаб етиши умуман унинг ҳаракат ва ҳулкини аниклаб беради.

Шахс шаъни ва кадр-кимматини ҳимоя килиш ҳукукининг эълон килиганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларига тула мос келади. Мисол учун "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"нинг 12-моддасида курсатилганидек, "Фукаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тугрисида"ги халқаро Пактининг (1966) 17-моддасига кура "Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиши, уни уй-жой дахлсизлигига ёки ёзишлардаги сирларнинг дахлсизлигига ўзбошимчали ёки ноқонуний тарзда тажовуз килиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қиллиниши мумкин эмас".

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 100-моддасига биноан, фуқаро узининг шаъни кадр-кимматини ёки ишчанлик обрусига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бутун маълумотларни етказган шахс уларнинг ҳақиқатга тугри келишини исботлай олмаса, суд йули билан раддия талаб килишга ҳақлидир.

Шъни ва кадр-кимматига путур етказиган фуқаро ушбу маълумотларни раддия килиш билан бирга бир қаторда, уни тарқатилиши натижасида узига етказилган зиён ва маънавий зарарни қоплаш талабини қуйиши ҳам мумкин.

Инсонинг турар жай дахлсизлиги ҳуқуқи, мулк шаклидан қаътии назар ҳамма уй-жойларга, ҳамма биноларга тегишлидир. Уй-жойга руҳсатсиз киришга факат қонун билан курсатилган ҳолларда ва белгиланган тартибда йул қуйилади. Жиноя процесуал қонуни эса уйни қуздан кечириш ва тинтув утказиш шартлари ва асосларини белгилаб беради.

Фуқароларнинг уй-жойларига уларнинг розилигисиз киришга факат ёнгин, газ ёки сув тизимининг бузилиши қаби фавқулодда вазиятларда йул қуйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 28-моддаси республика ҳудудида фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга қучиши, келиш ва ундан чиқиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Бу ҳуқуққа мувофиқ шахс ўз хоҳиши билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга қучиши, ундан чиқиб кетиши ва қайта келиши мумкин. Қонунда белгиланган чеклаш ҳоллари бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 6-ноябридаги "Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг чет элга чиқиш тартиби ва Ўзбекистон Республикаси дипломатик паспорти тугрисидаги

қоидаларини тасдиқлаш тугрисида"ги қарори билан республика ҳудудидан чиқиш ва унга кириш тартиби белгиланган.

Ички ишлар органлариқуйдаги шахсларга чет элга чиқиш ҳуқуқини рад этиши мумкин:

- давлат сири бўлган маълумотлардан хабардор бўлган шахсларга бу ҳолат бекор бўлгунга қадар;
- шартнома мажбуриятлари амал қилаётган шахсларга нисбатан бу ҳолатлар тугагунга қадар;
- жиноий иш қузгатилган шахсларга нисбатан қуриб чиқиш тугагунга қадар;
- ута ҳавфли рецидивист деб танилган шахсларга нисбатан- судланганлиги олиб ташлангунга қадар;
- устидан маъмурий назорат урнатилган шахсларга нисбатан- маъмурий назораттугагунга қадар;
- суд томонидан юклатилган мажбуриятни бажармасдан юрган шахсларга нисбатан-ушбу мажбуриятни бажаргунга қадар;
- ўзи ҳақида ёлгон маълумотлар берган шахсларга;
- суд томонидан фуқаролик даъвоси эълон қилинган шахсларга нисбатан -иш якунлангунга қадар;
- қақирув бўлинмасига ёзилган ва ҳақиқий ҳарбий хизматга қақириладиган шахсларга нисбатан- муддатли ҳарбий хизматни утагунга қадар ёки ундан қонунга мувофиқ озод этилгунга қадар.

Фуқаро қучиб юриш ҳуқуқини рад этилгани ҳақида юқори идораларга шикоят қилиниши мумкин. Бундай шикоят мобайнида жавоб берилиши шарт. Агар фуқаро унинг қароридан қорози бўлса, судга шикоят қилиниши мумкин.

Конституциянинг 29-моддасида ҳар бир инсонга фикрлаш, суз ва эътиқод эркинлиги, истаган ахборотини ишлаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини беради, лекин бундай эркинлик амалдаги Конституциявий тузумига қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашларга қайтий риоя этилган ҳолда амалга оширилиш қерак.

фуқароларга фикрлаш, суз ва эътиқод эркинлиги, барча маълумотларни қидириш, олиш, тарқатиш ҳуқуқини уларга давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига, қорхона, ташкилот, муассасаларга тақлиф, ариза ёки шикоят билан қурожат қилиш йули билан жамоат ва давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашиш имқонини беради.

Фикр ва эътиқод эркилиги суз эркинлиги орқали амалга оширилади - бу ўз фикрини очик сузламок ва бошқа шахсларнинг эътиборига етказмок деб тушунилади.

Суз эркинлиги эса- бу конун хужжатларининг куриб чикишда, референдум утказилаётганда, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият сайловларида, узини узи бошқариш органларида ва кундалик ҳаётда уз фикрини билдириш ва иштирок этиш имконини беради.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида ҳам "Ҳар бир инсон эътиқодлар эркинлиги ва буларни эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: ушбу ҳуқуқ ҳеч бир тусиксиз уз эътиқодларига амал қилиш эркинлиги ҳамда ахборат ва гоҳларни ҳар қандай воситалар билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини уз ичига олади",-деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсонларнинг судда узига нисбатан ҳар қандай иш қўрилаётганда уз ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қиладиган хужжатлар қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш ҳуқуқи амалга оширилади.

Конституциявий суд эса фуқароларга хужжатлар ва материаллар билан танишиш имкониятини бериш ҳуқуқига эга.

Бу ҳуқуқлар Конституциянинг 30-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияда фуқароларнинг энг муҳим шахсий ҳуқуқлардан бири бу - виждон эркинлигидир.

Виждон эркинлиги - бу инсоннинг динга булган муносабатидир.

Республика Конституциясининг 32-моддаси республика халқининг ҳаммаси учун виждон эркинлигини қамолатлайди. Бунинг маъноси шундаки, Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини беради.

Диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайдилар ва сиёсий партияларга молиявий мадад қўрсатмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач давлатнинг пухта ўйлаб утказаетган оқилона сиёсати жамиятнинг динга муносабатини анча узгартириб юборди. Диндорларнинг қонунларга қатъий риоя этиши, диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш халқнинг барча табақаларини жипслаштиришга яъни бирлаштиришга ёрдам бери ва бермокда.

## **5. Фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари.**

**Сиёсий ҳуқуқлар** - Ўзбекистонда халқ ҳокимиятининг амалга оширилиши ҳар бир Ўзбекистон Фуқаросига мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида фаол амалий ва ҳуқуқий иштирок этиш имконини беради.

Сиёсий ҳуқуқлар тугрисида гап кетаётган экан, бу ҳуқуқлар асосан Ўзбекистон фуқароларига тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларигина

Конституцияда курсатилганидек, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда уз вакиллари орқали иштирок этиши (32-модда); уз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоишлар шаклида амалга ошириш (33-модда); қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларига ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш (34-модда) ҳуқуқларида фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Конституциясининг фуқароларига берилган сиёсий соҳадаги ҳуқуқлардан бири шу "жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда уз вакиллари орқали иштирок этиш"дир (32-модда). Бундай иштирок этиш ҳуқуқи икки йул билан амалга оширилади:

**Биринчидан:** бевосита иштирок этиш. Бу референдум утқозишда, давлат органларини сайловлар йули билан ташкил этишда фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари фаолиятида иштирок этиши билан амалга оширилади.

**Иккинчидан:** фуқаролар узлари сайлаб қўйган вакиллари, давлат органлари Республика Президенти орқали жамият ва давлат шуларни амалга оширишда қатнашадилар.

Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, яширин овоз бериш ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида эркин амалга оширилади. 18-ёшга етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг яна бир пассив сайлов ҳуқуқи бўлиб, бу вакиллик органларига сайлаш ҳуқуқидир. Сайлов қўнига қадар 25-ёшга етган ҳар бир фуқаро Олий Вакиллик органи - Олий Мажлисга депутат этиб сайланиши мумкин. Шунингдек, 35 ёшга етган, давлат тилида эркин сузлаша оладиган, бевосита сайловгача 10 йилдан кам бўлмаган вақтда республикаміз ҳудудида муқим яшаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланиши мумкин.

Демократиянинг асосий шаклларида бири - бу давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларини умумхалқ муҳокамасида уз ечимини топиш-референдум ҳисобланади.

Фуқароларнинг яна бир конституциявий ҳуқуқи - бу уларнинг ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар намоишлар утқозиш йули билан амалга ошириш ҳуқуқидир (33-модда).

**Митинг** - бу сиёсий масалаларнинг муҳокамаси учун йиғилган жамоа йиғилишидир.

**Йигилиш** - бу ёпик иморатда ёки бирор хонада утказиладиган, маълум йигилган шахсларнинг мажлисидир.

**Намойиш** - бу ижтимоий сиёсий норозиликларни очик куриниши бўлиб, намойишчиларнинг у ёки бу масалага нисбатан оилавий тарздаги очик муносабатидир.

Фукароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимига кирадиган ҳуқуқлардан яна бири фукароларнинг қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Конституциянинг 34-моддасида уз аксини топган.

### **Иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар.**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сунг, ижтимоий давлат қурилишидаги асосий ютуқларидан бири- фукароларнинг иктисодий ва ижтимоий соҳадаги конституциявий ҳуқуқларидир.

Фукароларнинг иктисодий ва ижтимоий соҳасидаги ҳуқуқлари Конституциянинг IX - бобида қурсатилган бўлиб, улар: шахсларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи (36-модда); меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш ҳуқуқи: адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи (37-модда); дам олиш ҳуқуқи (38-модда); қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи (39-модда); малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи (40-модда); билим-олиш ҳуқуқи (41-модда); илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш (42-модда); ҳуқуқлардан фойдаланиш уз аксини топган.

Бозор иктисодиёти асосида ривожланган мамлакат тажрибаси шуни қурсатадики, факатгина иктисодий жихатдан эркин фуқарогина ҳақиқий мулк эгаси бўлиб, у уз мулкидан самарали фойдаланиши ва шу орқали мамлакат иктисодиётига ижобий таъсир этиши мумкин.

Ўзбекистонда утқазилётган иктисодиёт ислохатларнинг асосий вазифаси давлат мулкни хусусийлаштириш орқали монополияга чек қуйиш; қуп укладли иктисодиётни барпо этиш, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, мулкнинг барча шакллари ривожланишига бир хил шарт шароит яратиб беришдан иборат. Бу вазифани бажариш биринчи навбатда, мулк ҳуқуқини амалга ошириш механизмнинг ҳуқуқий асосини яратиш айниқса, унинг муҳим элементи бўлган ҳар қимнинг уз мулкига эркин изғалиқ қилиш тамойилини мустаҳкамлаш эди.

Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "**Мулкчилик тугрисида**" ги, "**Тадбиркорлик тугрисида**" ги, "**Хусусийлаштириш тугрисида**" ги қлнунларни қабул қилади.

Шахс узининг мулкый ҳуқуқларини амалга оширишда атроф-табиий муҳитга ва кишилар соғлиғига зарар етказмаслиги керак.

Давлат мулкдорнинг қулидаги мулкни узгалар томонидан чегараланиши таъкидлайди.

Банк омонатининг сир тутилиши иқтисодий ҳуқуқлар сирасига киради. Банк томонидан омонот сирларини сақлашга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг **"Банк ва банк фаолияти тугрисида"**ги қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кедексига биноан мерос қолдирувчининг улғунига қадар мерос қолдириш ҳуқуқи сақланиб қолади. Фуқаролар, яъни мерос очилишида шу уйда яшаган шахслар, фарзандлар, қариндош-уруғлар меросхурлар ҳисобланади.

Мерос икки йул билан: қонун ва васият қилиш орқали қолдирилади.

Васиятнома мерос қолдирувчи томонидан езма шаклда амалга оширилиши шарт ва бу давлат томонидан сир тутилишини қамқоғайди.

Фуқаролик кодекси бўйича меросхурларнинг бош даражаси белгиланган бўлиб, меросхурлар қонун бўйича меросни тенг миқдорда бўлиб оладилар:

1. Мерос қолдирувчининг фарзандлари, (фарзандликка олинган болалари); шунингдек, мерос қолдирувчининг улимдан кейинги болалари.
2. Қариндошлари, мерос қолдирувчининг ака-укалари ва опа-сингиллари, бувиси ва буваси, ота тарафидан бўлганидек она тарафидаги қариндошлари.
3. Мерос қолдирувчининг тоғалари ва амма-ҳолалари.
4. Мерос қолдирувчининг олтинчи авлодигача бўлган узок қариндошлар.

Республикада қонун бўйича тула эркин иқтисодий фаолият ҳар бир инсон учун таъминланади, муҳит танлаш, ўз меҳнатини сарфлаш эркинлиги, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, эркин иш жойини танлаш, адолатли меҳнат шартномаларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш каби шахсларнинг Конституциявий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг **"Аҳолининг бандлиги тугрисида"**ги, **"Меҳнат муҳофазаси тугрисида"**ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Ҳар бир ишчи меҳнат муҳофазаси ҳуқуқига эга.

**Меҳнатни муҳофаза қилиш**, деганда - бу амалдаги қонунчилик ва бошқа меъриий ҳужжатларда мустаҳкамланган инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сийҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий

, техникавий, санитария-гигиена, даволаш -профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизими тушунилади.

Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъриий ҳужжатларга ҳамма жойда риоя этилиши устидан давлат назоратини жамоат назорати ва мехнатни муҳофаза қилиш учун ташкил этилган қасаба уюшмаси ташкилотлари амалга оширади.

1992 йил 13 январда **"Аҳолини иш билан таъминлаш тугрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. 1993 йил 7 майда эса ўзгартириш ва қушимчалар киритилди.

Иш вақти деб маълум бир график асосида ташкил этилган, меҳнат шартномаси билан белгиланган меҳнат мажбуриятлари бажариладиган вақтга айтилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексининг 115-моддасига асосан ходим иш ҳафтасида 6 кун ишлаётган ҳар би иш кунига етти соатдан қў бўлмаган, беш кунлик иш ҳафтасида 8 соатдан қў бўлмаган иш билан таъминланади. Ишчининг иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги керак. Шу билан қуйдаги шахсларга қистқартирилган иш вақти белгиланган:

- 18 ёшга етмаган ходимлар;
- I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар;
- ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар;
- алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар;
- ўқ ёшга тулмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жихатдан таъминладиган муассаса ва ташкилотларда ишлайдиган ходимлар.

Барча ходимларга, шу жумладан вақтинчалик ишловчиларга ҳам, ҳар йилги меҳнат таътилларида қайин иш жойларининг қакланиб қолиши ва қайта қикланиши қафолатланади. Қам олиш ва байрам қунлари таътил даврига қугри қелганда улар таътил қунлари қифатида инобатга олинмайди.

**"Ижтимоий таъминот"** деганда, - бу давлат томонидан яратиб бериладиган, инсонларнинг ҳаётий қаолияти учун зарур бўлган эҳтиёжни моддий томондан қондириш мақсадида моддий ва бошқа ижтимоий ҳимоя қилиш тушунилади. Бунга эса пенсия, нафақа ва ижтимоий ночор қуқароларни қул ва шунга ўқшаш шакллардаги моддий таъминотлар билан таъминлаш қиради. Қонстутцияда қурсатилган ижтимоий тузумлардан яна бири-ҳар бир инсон учун малақали тиббий ҳизматан қойдаланиш муҳумдир.

Ўшбу ҳуқуқдан қойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси маълум ишоратлар яратмоқда, яъни: етарли малақали тиббий мутахассислар тайёрлаш, қамонавий тиббиёт ўқуналари, қамарали

дори-дармонлар етказиб бериш борасида, касалликларга карши кураш ва касалликларнинг олдини олиш миллий дастур давлат макоми даражасига кутарилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида"ги қонуни фуқароалрни уларнинг соғлигига тугри келмайдиган ишга қабул қилишни тақиқлашни қузда тутди.

Республикада соғлом авладни тугилиши ва тарбиясига жиддий эътибор беришмоқда. Ўзбекистонда биринчи бўлиб, "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди, шу номда халқаро жамғарма ташкил этилди.

Республика Конституцияси ҳар бир шахсга билим олиш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX -сессиясида Ўзбекистонда таълим тузилиши ислох қилиш масаласи қурилди ва "Таълим тугриси"да янги қонун қабул қилди.Шу қонуннинг 4-моддасига мувофиқ билим олиш, шахснинг келиб чиқиш, жинси, тили, ёши, ирки, қайси миллатга мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий аҳоли, яшаш жойи, республика ҳуқудидида қанчадан бери яшаётганидан қайтий назар, ҳар қим учун тенгдир.

Республикада таълим олаётган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида улар белгиланган тартибда степендияга, нафақа, ётоқхона, текин овқат ва бошқа имтиёзлар билан таъминланган.

Ўзбекистон Конституциясининг 42-моддаси шахсларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини биринчи марта конституциявий мақом даражасига қутарди.

Маданият деганда инсон томонидан яратилган барча бойлиқлар, ютуқлар йигиндиси тушунилади. Маданият таркибий қисмларини фан, таълим ва саънат ташкил қилади.

Республикада маданият муассасалари таракқиёти фаолияти тизимини бошқариш маданият ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади. Илмий-техника соҳаси фаолияти билан Фан ва Техника давлат қумитаси шугилланади.

"Маънавият ва маърифат" жамоатчилиқ маркази Ўзбекистоннинг янги тарихини урганиш маркази ва шу қаб бошқа ташкилотлар маданий ютуқларини асраш ва уни кейинги авлодга етказишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида Фан ва Техниканинг ривожланиш мақсадида иқтидорли талабаларнинг чет элларда ўқишларин қуллаб-қувватловчи "Ўмид" жағармаси, шунингдек "Қамолат" ва "Ўлугбек" жамғармалари ташкил этилган.

## **6. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлиқларини қафолатлари.**

Инсон ҳуқуклари ва эркинликларини кафолатлаш деганда, шахсларнинг конституцияда курсатилган ҳуқуклари ва эркинликларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда ҳар бир инсоннинг бу ҳуқукларини ҳуқуқий амалга ошириш тушунилади.

Кафолатлаш конунда курсатилган, мумкин бўлган имкониятлари ҳолда амалга оширилади.

Инсон ҳуқуклари ва эркинликларининг кафолатлари икки қуринишга эга.

1. давлатнинг ўз ички кафолатлари;
2. халқаро ҳуқуқий кафолатлар;

Бунда инсон ҳуқуклари ва эркинликларини кафолатлаш борасида Олий мажлиснинг инсон ҳуқуклари бўйича вакили яъни омбудсман фаолияти алоҳида уринга эга. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши, шунингдек малакали юридик хизмат ва профессионал ҳимоячи, яъни адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи ва имкониятларининг мавжудлигидир.

Инсон ҳуқукларининг халқаро ҳуқуқий кафолатлари халқаро оммавий ҳуқуқ томонидан урнатилган.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш курсатилган ҳуқуқ ва эркинликларга факат эғалик қилиш билангина чекланмасдан, уладан фойдаланиш ва уларнинг бузилишида муҳофаза қилишдан ҳам иборатдир.

Кафолатланишнинг моҳияти - бу давлат ва унинг органларининг фуқароларнинг ҳуқуклари ва эркинликларини амалга ошириш учун дойимий равишда зарур воситалар билан таъминлашдан ифодаланган бурчида номоеън бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонларга маълум ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларни амалга ошириш учун керакли иқтисодий, сиёсий, маъқуравий ва ҳуқуқий кафолатлар билан ҳам таъминланади.

**Иқтисодий** соҳадаги кафолатлар Ўзбекистон Конституцияси ва конунларда курсатилган ва иқтисодиётнинг негизини ташкил этувчи мулк шаклларининг хилма-хиллигидир. Уларда мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан баббаровар муҳофаза этилиши кафолатланган.

Инсон **сиёсий** ҳуқуклари ва эркинликларининг кафолатланганлиги Ўзбекистонда ҳокимиятнинг халққа тегишлилиги, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги; давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятга бўлиниши принципига асосланганлиги.

Узбекистонда ижтимоии ҳаётнинг сиёсий институтлари, **мавкура ва фикрларнинг** хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мавкура давлат мавкураси сифатида урнатилиши мумкин эмасдир.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 43, 44, 45, 46-моддалари айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатларига бағишлангандир.

**"Давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди,"**- деб мустақамлаб қўйилган.

Ушбу модда конституциявий принципларнинг асосий, узаги, ҳарқтери ифодаланган бўлиб, бунда инсон мафъаатларига хизмат қилиш, эркинлик кафолати, давлатнинг ижтимоии мақсади ва асл гоёси акс этган.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, республикаимизда умуминсоний кадриятларни тиклаш демократик жамият қуриш йулидан боришда инсон эркинлигига, жамият ва давлатнинг бирлигида инсоннинг тутган урнини баҳолашга қатта аҳамият берилди.

Демократик давлатда жамият аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари доимий ҳаракатдаги механизм сингари бўлмоғи лозим. Конституциянинг мазмунига эса, давлат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, жамият учун хизмат қилишга бутун қучини сафарбар этиши лозимлиги ҳақида гоёлар сингдирилган.

Фуқароалрнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари жуда қуп ва турличадир.

Кафолат тизимида фуқароларнинг уз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш давлатнинг муҳим ҳусусиятларидан биридир. Бу кафолатлар конституциянинг **44-моддасида** мустақамлаб қўйилгандир. Яъни: **"Ҳар бир шахсга уз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади"**.

Узбекистон Республикасида ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили амал қилиб, судларнинг қонунчилиқ яъни вақиллик ва ижроя ҳокимиятидан мустақиллиги жорий қилингач, уларнинг фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги вазиқаси қучайди.

**"Судлар тугрисида"**ги қонуннинг **4-моддасида** судларнинг вазиқасига Республика Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тугрисидаги ҳалқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатлаш ҳам қиради, деб қурсатиб утилган.

Фукароларнинг уз ҳукук ва эркинликларини таъминлаш мақсадида судга шикоят қилиш тартибларини урнатилиши ҳукук ва эркинликларнинг энг муҳим қафолатидир. Тегишли конституциявий нормага асосан фукаролар узларининг ҳукук ва эркинликлари бузилган деб ҳисобласалар, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиб уз ҳукукларини ҳимоя қилишлари мумкин.

Ўзбекистонда аҳолининг **ижтимоий** ҳимоя қилишнинг мукаммал дастури ишлаб чиқилган. Бунда республика аҳолисининг энг муҳтож катламларига катта эътибор берилмоқда. Бу айнна конституциянинг **45-моддасида** уз ифодасини топган. Давлат уз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ана шу катламларини махсус ҳимоя қилади.

**45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳукуклари давлат ҳимоясидадир.**

Бу модданинг мақсади мамлакатимиздаги айрим кишиларнинг манфаатларини қушимча тарзда ҳимоя қилишдир ва уларнинг мароқли ҳаёт кечиришларини таъминлашдир. Чунки улар шундай қушимча ҳимояга муҳтождир.

Ўзбекистон Республикасининг **46-моддасида** хотин қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамланган.

Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун давлат кенг миқёсда қушимча тадбирларни амалга оширмоқда.

Давлат аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, унга ҳақ олиш, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш учун эркаклар билан тенг имкониятлар яратиш билан бирга, аёлларнинг оиладаги урни, жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат қилишда, соғлигини мустаҳкамлашда, яхши шароитлар ва имтиёзлар яратиб бериши зарурдир. Чунки тенг имконият ва қушимча шароит, имтиёзлар урнатиш билангина аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади.

Демак, Ўзбекистон фукаролари жинсидан қаътии назар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда тенг иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

## **6. Фукароларнинг конституциявий бурчлари.**

Ўзбекистон Республикасида шахсларга нисбатан ҳурмат, ишонч бўлиши, уларнинг ташаббусини, ижодкорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда, улардан давлат ва жамият олдидаги маълум бир бурчларини ҳам бажариш талаб қилинади.

Булар конституциянинг **47-52 моддаларида** уз ифодасини топган.

Фукароларнинг имтиёзини мустаҳкамлаш, давлат урнатган тартиб ва қоидаларга риоя қилиш жамиятимиз ривожини таъминлаш шартлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон

Республикасида урнатилган конституциявий тузум фукароларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш, уларнинг амалга оширишни кафолатлаш билан бирга фукаролар зиммасига маълум бурчларни бажаришни юклайди. Бу конституциянинг **47-моддасида**, - **"Барча фукаролар конституцияда белгилаб қуйилган бурчларни бажарадилар"**, - деб мустаҳкамлаб қуйилган.

Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикаси фукароси ва давлат бир бирига нисбатан булган ҳуқуқлари ва бурчлари узвийлиги принципи билан боғлиқдир. Бу принципнинг амалга оширилиши Ўзбекистон фукароларининг уз бурчларини тушунган ҳолда ихтиёрий бажарганликларида намоён бўлади. Демак, ҳуқуқ бор жойда бурч ҳам бор. Чунки фукаро узига берилган ҳуқуқ ва эркинлик билан бир каторда юклатилган маъсулиятни ҳам сезиш лозим.

Шундай экан, фукароларнинг уз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фукароларнинг ҳамда давлат ва жамиятнинг қонуний мафаатларига зид бўлмаслиги керак.

Хар бир фукаронинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини бажармаслиги муаян оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фукароларининг бурчларини конституция нормаларида уз аксини топиб, маълум тизимни ташкил қилади. Бу тизимга: Конституция ва Қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни, кадр-кимматини ҳурмат қилиш (**48-модда**); Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб асраш (**49-модда**); атрофдаги табиий муҳитга этиётқорона муносабатда бўлиш (**50-модда**); қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғилишларни тулаш (**51-модда**); Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни уташ (**52-модда**); ота-оналарнинг уз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш (**64-модда**); вояга етган, лаёқатли фарзандларнинг уз ота-оналари ҳақида гамхурлик қилиш (**66-модда**) қиради. Бу нормаларни тугри амалга оширилиши республикада оқошталикни, бозор иқтисодиётига тинч утишни, демократик принциплар, фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тула амалга оширилишини таъминлайди.

Конституциянинг **48-моддаси** Ўзбекистон фукаролари зиммасига Конституциявий ва амалдаги қонунларга риоя қилиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-кимматини ҳурмат қилиш ва узига тегишли бурчларни бажариш орқали қиришадиган ҳуқуқий муносабатларда, яъни фукаролик уй-жой, оила-ниқоҳ ва бошқа муносабатларда номаён бўлади, шу билан бирга республика фукароси деган юқсак номга муносиб бўлиш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий

бойликларини, маданий ёдгорликларни эҳтиёт қилиш ва сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

**Архитектура ёдгорликлари, тарихий-маданий ҳудуд ва объектлар, бадий ва мусикий асарлар, халқ оғзаки ижодиёти Ўзбекистон халқининг ўзлигини англашига хизмат қилади ҳамда дунё маданияти тараккиётига қушган катта ҳиссасини билдиради. Қадимдан қолган ёдгорликларини нафакат сақлаш, балки келажак авлодга етказиб, янгиларини яратиш бу бизнинг яъни барчамизнинг бурчимиздир.**

Республикамызда илм-фаннинг ривожланиши туфайли жамият тараккиётининг турли босқичлари тарихи бўйича тадқиқотлар 50-йиллардан кейин янада ривож топа бошлади. Масалан, Х.С. Сулаймонова, О.Э. Эшон, Ш.З.Уразов, М.Х.Ҳақимов, И.Ж.Жалилов, Ф.Х.Сайфуллаев, И.Б.Зокиров, Т.Сағдуллаев ва бошқа олимлар томонидан давлат ва ҳуқуқ тарихи таҳлил қилиниб, кенг жамоатчиликка манзур ишлари яратган.

Бу олимлар асарларида давлат ва ҳуқуқ муаммолари ҳар томонлама урганилиб, тарих сабоқларидан инсоний ҳулосалар чиқариш ва уларни ижодий ҳаётга татбиқ этиш ёки уларни такомиллаштириш масалларини қутарилгандир.

Ўзбекистон фуқароларининг ўз халқи тарихига нисбатан ҳурматда бўлиши, уни авайлаб асрашга мажбурлиги тугрисидаги қонуннинг Конституцияга киритилиши муҳим ижтимоий-маънавий аҳамиятга эгадир. Тарихга тугри баҳо бермасдан туриб, бугунимиз ва келажакимиз ҳақида ўйлаш мумкин эмаслиги ҳаммага аён ҳақиқатдир.

Конституциянинг **50- моддасида, - «Фуқаролар атроф табиати муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига мажбурдирлар»-** деб қўрилган бўлиб, бу қонунда ва бошқа қонунларда қайд этилган бундай ҳуқуқий меъёр фуқароларда атроф табиий муҳитга бўлган муносабатни тубдан ўзгаришига қаратилган бўлиб, у яшаш муҳити, табиат ва маънавий экологиясини бир-бири билан боғлиқлигига асослангандир.

Фуқароларнинг бу мажбурияти **1992 йил 9 декабрда** қабул қилинган ва **1995 йил 6 майда** қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган Ўзбекистон Республикасининг **«табиатни муҳофаза қилиш тугрисида»** ги қонунда белгиланган бўлиб, бу қонуннинг мазмунини Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг табиат ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишларини ташкил этади.

Табиатни муҳофаза қилиш биланбоғлиқ бўлган конституциявий мажбуриятларни бажармаган шахсларни **мулкӣ, маъмурий** ва ҳаттоки **жиноий** жавобгарликка тортиш ҳам белгиланган.

Хаммага маълумки, соликлар Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлар томонидан белгиланиб ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Амалдаги конунларга кура, солик юридик шахслар ва фуқароларнинг давлатга тулайдиган мажбурий туловидир. Бу Конституциянинг **«Фуқаролар конун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йиғимларни тулашга мажбурдирлар»**, -деб мустаҳкамланиб, уз ифодасини топган.

Бу койда **1991 йил 15 февралда** қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган ва хорижий фуқаролардан олинадиган даромад солиғи тугрисида»** даги, **1993 йил 7 майда** қабул қилинган **«Маҳа конунийллий солик ва йиғимлар тугрисида»** ги конун ҳамда бошқа конунийҳужжатлар ва актлар орқали тартибга солинади.

Солиқ тулашдан бош тортган шахслар тегишли маъмурий ва жинойй жавобгарликка тортиладилар.

Солиқ ва йиғимларни ундириш қатор давлат идоралари томонидан амалга оширилади. Буларга Ўзбекистон Солиқ Қумитаси, Молия вазирлиги, уз-узини бошқарувчи идоралар қиради.

Ўзбекистон Республикасининг даромад солиғи тугрисидаги конунда белгиланишича, юқорида қайд қилинганидек ундирилган соликлар ва туловлар фуқароларнинг ихтиёжлари учун халқ таълимига, соғлиқни сақлашга, моддий ёрдам ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига сарф қилинади. Булардан ташқари амалдаги солиқ тизими ногиронларни, болаларни, талабаларни, қўп фарзандлиларни ва фуқароларнинг бошқа тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш учун қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ватанни ҳимоя қилиш бурчи тугрисида бир қанча фармон ва ҳуқуқий актлар қабул қилинган.

Ватанни ҳимоя қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ўзбекистон Конституциясининг **52- моддасида** Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш- унинг ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикаси манфаатларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, унинг пудратини ва обрӯ-эътиборини мустаҳкамлаш учун барча қораларни қуриши лозимдир.

Ўзбекистон Республикасини **«Мудофаа тугриси»** даги **1992 йил 3 июль** конунида Ватаннинг ҳудудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш, Республика фуқароларининг Конституциявий бурча эканлиги ифодаланган. Бундан ташқари уша вақтда қабул қилинган **«Умумий ҳарбий мажбурият ва хизмат тугрисида»** ги конуннинг мақсади Ўзбекистон фуқароларининг уз мамлакатини қуролли ҳимоя

килиш учун мажбурий харбий тайёргарликдан утишларидан ҳамда Республика Куролли кучларини бутлаш ва захира тайёрлашни таъминлашдан иборат эканлиги курсатилган.

Конунга кура, тинчлик вақтида саломатлиги харбий хизматга ярокли булган ва чакирув кунига, 18 ёшга тулган Ўзбекистон фукароси булган йигитлар муддатли харбий хизматга чакириладилар.

Яна бир нарсага эътибор бериш лозимки харбий хизматга нафакат йигитларимиз, балки Ўзбекистон хотин-кизлари ҳам ихтиёрий равишда харбий хизматга киришлари мумкин.

Конунга курсатилган вазифаларни Республиканинг Мудофа Вазирлиги амалга оширади. Шундай килиб Ўзбекистоннинг хар бир фукароси Куролли Кучлар сафида харбий хизмат килиши узининг фахрий ва мукаддас бурчи эканлигини, унга хиёнат килиш эса энг огир жиноят эканлигини хамиша эътиборда тутишлари лозимдир.

## **Таянч сузлар**

**Хукук** ва **эркинликлар** – бу давлат томонидан урнатилиб, конституцияда кайд килинган, хар бир фукарога узининг хатти-харакатини танлаш, унга берилган имтиёзлардан шахсий хаётида ва жамоат ишларида катнашиши учун фойдаланиш имконияти.

**Сиёсий хукуклар** - фукароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда уз вакилларини оркали иштирок этиш.

**Бурч** - бу давлат томонидан белгиланиб хар бир фукаро бажарилиши зарур булган, бажармаслиги эса жавобгарликка олиб келадиган хатти-харакатлар ва яшаш тарзи коидалари.

**Шаън** - шахснинг ажралмас ва бошқаларга утказиб булмайдиган хукуки булиб, бу инсонинг обру-эътиборидир.

**Кадр-киммат** - бу шахснинг ички узини-узи баҳолаш мезони ва жамиятнинг унга берган баҳоси узаро бири-бирига богланган мезонлардир.

**Стандарт** – улчов яъни мезон.

**Солик** – фукароларнинг конунга кура давлатгатулайдиган мажбурий туловдир.

**Мудофаа** – давлат мустакиллигини, худудий яхлитлиги, аҳолининг тинг хаёт кечириши таъминлашга каратилга сиёсий – иктисодий, харбий ва ижтимоий-хукукий тадбир булиб, яъни куролли тажавузлардан химояланишдир.

## **Махсус адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Адолат», 1999.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шарҳлар. Т., Ўзбекистон, 1995.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йули. Т., Ўзбекистон, 1992.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули. Т., Ўзбекистон, 1993.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари шахсий таркибига табриги. «Халқ сузи», 1995, 14 январ.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993.
7. И.А.Каримов. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. Т., 1993.
8. У.Т. Тожиҳонов. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. Т., 1996.
9. Р.Қамолов. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т., «Адолат», 1998.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини урганиш. Т., Ўзбекистон 2001.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. Т., 1992.
12. Инсон ҳуқуқлари тугрисида халқаро билим. Т., 1992.
13. «Халқ сузи» газетаси 1997й 30 август.
14. «Хаёт ва қонун» журналі 1995, №1.

### **Қушимча адабиётлар**

1. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т., 1995.
2. И.Каримов. Конституция тугрисида. ИИВ Академияси. Т., 2001.
3. Курс советского государственного права под ред. В.Б.Шетинина. М., 1971.
4. Инсон ҳуқуқлари .Ўқув қўлланма. Т., Ўзбекистон, 1997.

### **Текшириш учун саволлари.**

1. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари деганда нималар тушунилади?
  2. Бурчнинг ўзи нимани англатади?
  3. Давлат фуқаросига шу давлат ҳудудида яшаб турувчи ҳамма шахслар қирадим?
  4. Шахснинг ҳуқуқий ҳолати нима билан белгиланади?
  5. Сиёсий, иқтисодий – ижтимоий ҳуқуқлар деганда нималарни тушунади?
  6. Солиқнинг ўзи нима ва нима мақсадда ўндирилади.
- Ҳарбий мудофаа нима учун зарур?

